

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай қоралар, кўрмасликлари ёки ҳатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига мурасасиз курашиш қораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган қучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қондаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўрилишидаги муурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда муурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муудлат талаб этилса, Абонент (муурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

7. Яқуний қондалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, қучга қиради ва 20 22 йил 31 декабрга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муудати тугаганидан сўнг, Томонлар Бюджет ташкилоти бўлган Абонентга таъбиқ этилмайди ўз шартларини бақаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома вақолатли давлат органларида рўйхатга олинган қундан бошлаб қучга қиради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши – Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдирди.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз қучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган қундан бошлаб, 10 (ўн) календарь қун ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг вақолатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг мухрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик қучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

<p>ОПЕРАТОР: “Ўзбектелеком” АК Наманган филиали</p>	<p>АБОНЕНТ: Вилоят ихтисослашган болалар стоматология поликлиникаси</p>
<p>Манзил: Наманган шаҳар Истиклол қуча 57-уй Банк маълумотлари: х/р: 2021 0000 0040 7483 8363; СТИР: 203 366 731; МФО: 00401; АТБ “Алоқабанк” Тел: _____; E-mail: b2b@uztelecom.uz;</p>	<p>Манзил: <u>Наманган ш. Бобур</u> <u>сеоҳ буғра со</u> Банк маълумотлари: х/р: <u>100018601707220005002</u> СТИР: <u>100056953</u> МФО: <u>2000</u>; Банк номи: <u>Сармазет</u> Тел: _____ E-mail: _____</p>
<p>Оператор номидан: _____ М.у. _____</p>	<p>Абонент номидан: _____ Бош вран: _____</p>
<p>Б.Нурматов</p>	<p>Ш Мирзаахмедов.</p>

Юрист Равшан Н. Юсубов